



e-mail: xxi_asr@gmail.uz



25-FEVRAL
2021-YIL
8 (902)

web sayt: www.21asr.uz
@XXIasrofficial

ASR IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Туркманистон Президенти Ўзбекистон Президентига мактуб йўллади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!
Азиз қардошим!

Менинг номимга йўлланган, Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий қардошлик алоқалари чуқур таҳлил қилиниб, мамлакатларимиз ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар мавжудлиги қайд этилган мактубингиз учун Сизга чуқур миннатдорлик билдириш шарафига муяссарман.

Сизнинг икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги фикрларингизни тўлиқ қўллаб-қувватлар эканман, мен Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик характерига эга эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Халқларимиз ўртасида яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш тамойилларига мувофиқ кўп йиллардан буён жадал ривожланиб келаётган дўстлик ва қардошлик алоқалари бугунги кунда янги мазмун касб этганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Олий ва юқори даражадаги доимий мулоқотлар икки томонлама ҳамкорликнинг юксак даражасини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Сиз билан Ашхобод ва Тошкентда бўлиб ўтган учрашувларимизни, уларда Туркманистон – Ўзбекистон муносабатларининг турли жиҳатларини муҳокама қилганимиз, кўплаб муҳим маданий масканларининг очилишида қатнашганимизни алоҳида ёрқин таассуротлар билан эслайман.

Тошкент шаҳрида туркман шоири ва файласуфи, мумтоз адабиётимиз намояндаси Махтумқули шарафига номланган кўча ҳамда унинг сиймоси тасвирланган ёдгорлик, "Ашхобод"



маданият ва истироҳат боғи, шунингдек, Хоразм вилоятида Ўзбекистон – Туркманистон дўстлик уйи ва "Улли ҳовли" маданий мажмуасининг очилиши халқларимизнинг абадий дўстлиги ва биродарлигининг ёрқин рамзи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўз навбатида, Туркманистон пойтахтидаги "Илҳом" марказий хиёбонида Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг улкан ёдгорлиги ўрнатилди ва Ашхободнинг бевосита Президент саройига яқин марказий кўчаларидан бирига улуг шоирнинг номи берилди.

Бундан ташқари, 2017 йилда Сизнинг Туркманистонга давлат ташрифингиз доирасида Туркманобод шаҳрида ўзбек халқининг буюк ўғлони, атоқли давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислому Абдуғаниевич Каримов ҳайкали очилди, унинг номи Лебап вилоятининг маъмурий маркази кўчаларидан бирига берилди.

Хурматли Шавкат Миромонович! Айни вақтда Сизга шуни ҳам маълум қилмоқчиманки, куни кеча Ашхобод марказида Ўзбекистон пойтахти шарафига замонавий "Тошкент" маданият ва истироҳат боғини лойihalаштириш ва қуриш учун тендер эълон қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон

компанияларини ушбу тендерда иштирок этишга таклиф қиламан.

Шу билан бирга яна бир муҳим янгиликни сизга етказмоқчиман. Яқинда биз 2020 йилги энг намунали ижтимоий-иқтисодий ва маданий кўрсаткичлар бўйича Туркманистон туманлари ўртасида ўтказилган танлов ғолибини эълон қилдик. Ушбу танловда Тошхувуз вилоятининг С.А.Ниязов тумани ғолиб бўлиб, 1 миллион АҚШ доллари миқдорига мукофотга сазовор бўлди. Ушбу туман аҳолисининг 99 фоизини ўзбеклар ташкил этишини таъкидлаш менга мамнуният бағишлайди.

Маданий-гуманитар алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни раванқ топтиришда муҳим роль ўйнайди. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш эканмиз, биз туркман ва ўзбек халқларининг азалий биродарлик ва ўзаро меҳр-оқибат анъаналарига, уларнинг туб маънавий ва тарихий қадриятлари муштараклигига таянамиз.

Шу нуқтаи назардан, 2021 йил 17 февраль куни Ашхободда буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтганини таъкидлаш ҳам менга мамнуният бағишлайди.

Бундай тадбирларни ўзаро ўтказиб бориш умумий маданиятларимиз, тарихий сиймоларимизни омма-лаштиришга катта ҳисса қўшади, халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди.

Азиз биродарим!

Туркманистон ижобий бетарафлик тамойилларига асосланиб, минтақавий ва минтақаларо ҳамкорликда доимо фаол иштирок этмоқда.

Бугунги кунда Туркманистон ташаббуси билан минтақанинг барқарор тараққиётига амалий туртки беришга қаратилган энергетика, транспорт ва коммуникация соҳаларида кенг миқдосли минтақаларо лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, биз Ўзбекистоннинг 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдид ва имкониятлар" мавзусида юқори даражали халқаро конференция ўтказишга доир ташаббусини олқишлаймиз ва тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Ушбу форумга катта аҳамият берган ҳолда, Туркманистон унинг ишида иштирок этиш учун расмий делегацияни юборди. Конференция иши самарали бўлади, унинг натижалари эса Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва кўп томонлама ҳамкорлики янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, хурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлиқ, кўп қиррали давлатчилик фаолиятингизга катта муваффақиятлар, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва раванқ тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Президенти

ЎЗА

УШБУ СОНДА:

АЛЧИҚ БЎЛСА-ДА, ОЧИҚ АЙТАНДИК...

Нима ёки қачон деган саволларга албатта жавоб топасиз



3

ҲАР БИР ТУМАНДА БИТТА КЛАСТЕР

Фермерларда шартнома имзолаш борасида танлов борми?



4

ШОИР НЕЧА ЙИЛ ЯШАЙДИ?

"Ўзбекино" Муҳаммад Юсуф ҳаёти, ижоди ҳақида қандай фильм ишляпти?



8

ҚЎҚОНЧА ЁЛҒОНМИ БУ?

Ёхуд "Ҳамкор Ободон Ймкон" курилиш фирмасининг лафсиз раҳбарлари кимлар?



11



Актам ХАЙТОВ,
*Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Спикери ўринбосари,
O'zLiDeP фракцияси раҳбари*

Янги Ўзбекистон – инсон ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамма нарсадан устун

ASR
Инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш бутун дунёда энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистонда барча соҳаларда изчил равишда олиб борилаётган ислохотлар замирида, энг аввало, “инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган ҳаётбахш ғоя мужассамлиги билан ажралиб туради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Женева шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқда ушбу йўналишда ўткир ва долзарб ташаббусларни илгари сурганига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Давлатимиз раҳбари 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилишини билдирди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ва ишбилармонлик соҳасида хотин-қизларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган амалий ишлар қатъий давом эттирилиши, бу йил Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш режалаштирилади.

гани алоҳида қайд этилгани ҳам бежиз эмас. O'zLiDeP ва унинг парламентдаги фракцияси мазкур ташаббусни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, мамлакат равнақи, халқ фаровонлиги ва инновацион лойиҳаларга салмоқли ҳисса қўшаётган фаол, тадбиркор хотин-қизлар ва фермерларни рағбатлантиришга, илгор иш тажрибаларини оммалаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Ҳаммамиз гувоҳимиз, Янги Ўзбекистонда бугун келажак авлод ва унинг таълим-тарбиясига бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Ёшларга доир давлат сиёсати асосида фарзандларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, эзгу орзу-интилишлари,

қобилият ва истеъдодини рўйбга чиқаришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар замон билан ҳамнафас такомиллашиб бормоқда. Ушбу тарихий нутқда жорий йил БМТ шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг 10-форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институти таъсис этиш масаласини киритишга тайёргарлик кўрилаётгани айtilди.

Маърузада Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий

меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилар экан, бу ислохотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлгани қайд этилди. 2021 йили, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонун қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йили 50 минг ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинган ҳаммамизга яхши маълум. Бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлиши режалаштирилган. Президентимизнинг Бош котиб Антониу Гутерриш жаноби олийларининг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайти-

риш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мантиқий давомидир. Булар ҳали ҳаммаси эмас. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши Судьялар бўйича кенгаши фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқиш таклифи этилиб, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён мутлақо йўл қўйилмаслиги таъкидланди. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъий назар, улар учун жазо муқаррардир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади. Инсон кадр топса, ҳурмат қилинса ва эркинликка эга бўлса, унда яратувчанлик, изланиш, ўз устида ишлаш ва ҳаётдан розилик кайфияти бўлади.

Ислохотлар ўз мевасини беради

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида давлатимиз раҳбарининг иштироки ва нутқини таҳлил қилиб, халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатимизга муносабати қандайлигини англаш қийин эмас.



Дилбар УСМОНОВА,
*Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг халқаро
ишлар ва парламентлараро
алоқалар кўмитаси аъзоси,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси*

лалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни изчил давом эттириши таъкидлангани бизни беҳад тўлқинлантирди. Бу йил Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш режалаштирилади. Янги йилда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш режалаштирилади.

Давлатимиз раҳбарининг нуфузли минбардаги нутқи мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари йўлида ўзи танлаган йўлдан ортага қайтмаслигини, халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган принциплар ва нормаларини қатъий ҳимоя қилишини ва уни фаол илгари суришини яна бир бор намоён этди.

Президентимиз форумнинг биринчи кунда, ялпи қисмида нутқ сўзлаши нимадан далолат беради? Биринчидан, янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда ислохотларнинг устувор вазифаси этиб инсон манфаати қўйилгани ва бу йўлда қатъий ислохотлар олиб борилаётгани дунё ҳамжамияти, халқаро эксперт ва мутахассислар мунтазам кузатиб боришмоқда деганидир.

Иккинчидан, давлатимиз раҳбари нуфузли ташкилотнинг ҳар бир йиғилишида бугунги кунда долзарб бўлиб турган

аниқ таклиф ва ташаббуслар билан чиқмоқда. Бу галги йиғилишда ҳам анъана бузилмади. БМТ тизимидаги нуфузли ҳуқуқматлараро органлардан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо мамлакатлар вакиллари, халқаро экспертлар Президентимиз нутқини диққат билан кузатди.

Гендер сиёсати маса-

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши йиғилишидаги нутқда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо давлат эътибори марказида бўлиши таъкидланди.

Юртбошимиз бу галги нутқда Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институти таъсис этиш

миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида ўтказилаётган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми доирасида ҳам БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси кенг миқёсда муҳокама қилиниб, бир қатор таклифлар олинган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ташаббуси билан мазкур халқаро конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишда 3 та манбага таянилган: биринчидан, 50 дан ортиқ



Сардорбек ГИЁСОВ,
*Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, O'zLiDeP
фракцияси аъзоси*

Ёшлар овозига қулоқ тутиш керак

таклифини билдирди. Бу муҳим ташаббус бўлиб, ёшлар масалаларини БМТнинг юқори минбарларида доимий равишда муҳокама қилиб бориш имконияти яратилади.

Яна бир гап. 2020 йилнинг 12-13 август кунлари БМТ шафелигида нуфузли халқаро ташкилотлар иштирокида “Ёшлар 2020: глобал

давлатнинг ёшларга оид қабул қилинган қонунлари; иккинчидан, турли минтақалар доирасида ёшлар мавзуларига тегишли қабул қилинган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; шунингдек, универсал характердаги халқаро ҳужжатлар, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш

ташкилоти, Парламентлараро иттифоқнинг 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўрганиб чиқилган.

Мухтасар айтганда, ҳозирги шароитда ёшларнинг овозига қулоқ тутиш жуда муҳимдир. Айниқса, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан долзарброқ.

Аччиқ бўлса-да, очиқ айтгандик...

НИМАНИ ЁКИ ҚАЧОН ДЕГАН САВОЛЛАРГА АЛБАТТА ЖАВОБ ТОПАСИЗ

Газетамизнинг ўтган сонида давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириш мавзуси хусусида Хоразм вилояти мисолида сўз юритиб, бу борадаги айрим муаммоларни тилга олгандик. Соҳада юзага келаётган тўсиқларни бартараф этишда O'zLiDeP амалга ошираётган лойиҳаларнинг аҳамиятига эътибор қаратгандик.

Ҳафта давомида ушбу мақолага муносабатлар ёнғирдек ёғилди. Одамлар газета ўқимай кўйгани билан боғлиқ қарашлар унчалик тўғри эмаслигига исботдир бу балки. Аслида муаммога яқинроқ бориш, масалани чуқурроқ ўрганишдир мавзуга қизиқтириш омили. Мулоқотни мажлисга айлантмасликдир самарадорлик деб-часи. Таклифлар ўша хонада қолиб кетмаслигидир натижадорлик ибтидоси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик

партияси томонидан амалга оширилаётган қатор истиқболли лойиҳаларнинг ибратли томонларини тарғиб қилиш албатта хайрли. Чунки давлат-хусусий шериклик ривожига тўсиқлик қилаётган сабабларни тармоқлар кесимида комплекс ўрганиш ташаббуси мазкур сиёсий кучга тегишли. Бу борадаги қонунчилики такомиллаштириш бўйича электорат ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш зарурлигини илгари сураётган ҳам, тан олиш керакки, аслида шу партия.



Қорақалпоғистон Республикаси

Айни кунларда O'zLiDeP марказий аппарати ва партиядан сайланган депутатлар муҳим жараёнга фаол жалб этилаётир.

Улар олдин муайян ҳудуддаги давлат-хусусий тизимини ривожлантириш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бизнес субъектлари иштирокида таҳлил қилиб, кейин ижроия органларига сўров билан чиқишмоқда. Жумладан, партия **Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўлим мудири Гулжан Халмуратова** Қорақалпоғистон Республикасига хизмат сафарининг бир неча кунини шу тарзда ўтказди. Оролбўйидаги сафдошлар ҳамкорлигида нафақат тад-

биркорлар, балки Марказий банкнинг ҳудуддаги бош бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги мутасаддиларини атрофлича муҳокамага чорлади.

Яна бир аниқлаштирув-

чи савол: ҳозир дунёда давлат-хусусий шериклик тизими қайси тармоқларда кенг ривожланмоқда? Кўпроқ транспорт инфратузилмаси, қурилиш, тиббиёт ва таълим тизимларида албатта. Демак, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам

бўлишни истар эканмиз, биз ҳам шу соҳаларга кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим. Нуқусдаги муҳокама иштирокчиларининг фикри ҳам шундай. Уларнинг мулоҳазаларига кўра, давлат-хусусий шериклик кўп даражали бошқарувнинг муҳим шакли бўлгани боис давлат идоралари ва хусусий сектор салоҳиятини ҳарикли томон учун ҳам қулай нуқтада бирлаштиришга имкон беради.

Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқармаси масъул ходими Зарипбой Отепов келтирган рақам шунинг кичик далилидир. Унинг маълум қилишича, Қорақалпоғистон Республикасида 2018 йилдан буён давлат-хусусий шериклик битимлари асосида 86 та та мактабгача таъ-

лим муассасаси қурилиши учун 155 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Президентимизнинг 2020 йил 30 январдаги мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлашга оид ПҚ-4581-сонли қарори бунга ҳуқуқий майдон яратган.

Шунингдек, мулоқотлар давомида тегишли соҳа вакиллари давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш учун жорий қилинган солиқ имтиёзи ва преференциялар, тизим тараққиётига тўсиқлик қилаётган сабаблар юзасидан баҳсга киришдилар. Тадбиркорлар кўтарган муаммолар юзасидан мутасадди ташкилотлар чиқарилган сўровлар ижросини қатъий назорат қилиш муҳимлигини таъкидладилар.



Шу мавзудаги муҳокамалар Андижон вилоятида ҳам қизгин кечди. O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси сектор мудири Сардор Марипов бу ерда мувофиқлаштирувчи вазифасини бажарди. Ҳудуддаги электорат вакиллари фаолиятига тўсиқлик қилаётган муаммоларга ечим топиш тадбирнинг бош мақсадидир. Ҳар бир ҳолат аниқ мисоллар кўмагида таҳлил қилинган эътиборга лойиқ.

Масалан, Замирахон Юлдашева пахтаободлик тадбиркорлардан. У фаолиятини кенгайтириш мақсадида хусусий мактабгача таълим муассасаси ташкил қилиш ниятида.

Аммо маблағи ва бизнес лойиҳаси бўлса-да, ер ажратилмаётгани ачинарли. Туман, вилоят мутасадди ташкилотларига қилинган мурожаатлари жавобсиз қолаверганидан тадбиркорнинг ҳафсаласи пир бўлаётганди.

O'zLiDeP вилоят Кенгаши томонидан Андижон шаҳридаги Савдо-сановат палатаси ҳудудий бошқармасида ташкил этилган давра суҳбатиде иштирок этгани навбатдаги имконият эшигини очди. Унинг мурожаати юзасидан **Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, партиянинг Андижон вилояти кенгаши раиси Хуршидахон Халилова** томонидан тегишли ташкилотга сўров юборилиб, масала ижобий ҳал этилди.

– Айни вақтда мамлакатимизда тадбиркорлик йўналишида давлат-хусусий шериклик бораида туб ислохотлар амалга оширилаётгани

натижасида қатор ютуқлар кўлга киритилаётир, – дейди **O'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши Мафқуравий ташвиқот-тарғибот бўлими мудири Муяссар Мухторжонова**. – Аммо бу йўналишдаги муаммолар ҳам кам эмас. Уларни бартараф этиш учун самарали ижро механизми даркор.

– Чекка ҳудудларда давлат-хусусий шериклиги асосидаги МТТлар ташкил қилинаётгани чиндан-да қувонарли. Бироқ бу боғчалардаги тўлов баланд, – дейди **Халқ депутатлари Пахтаобод туман Кенгаши депутати Омадхон Маматқулов**. – Бу дегани – ҳамма ҳам бирдек хусусий мактабгача таълим муассасаларига фарзандларини беролмайди. Чунки чекка жойларда яшовчи аҳолининг даромадлари бунга имконият қолдирмайди.

Тадбиркор Анваржон Икромов-

нинг мазкур йўналишдаги муаммоси ҳам узоқ вақтдан буён очиқлигича қолмоқда. Уч йилдирки, хусусий боғча ташкил қилиш учун кредит ололмай ҳалак. Хусусий мактабгача таълим муассасаси очил лойиҳасининг умумий ҳажми 3,5 миллиард сўм қилиб кўрсатилган. Сарсонгарчиликдан чарчаган тадбиркорнинг муаммоси айти тадбирда қатнашган **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Жавлонбек Эргашев** томонидан ижрога йўналтирилди.

Давра суҳбатиде ечимини топган масалалар вилоятда давлат-хусусий шерикчиликнинг янада ривожланишига хизмат қилади, деб умиддамиз. Зотан, аччиқ бўлса-да, очиқ айтилаётган мулоҳазалар тараққиётга туртки бериши исботланган ҳақиқат.

Озод РАЖАБОВ

АНДИЖОН

АСОСИЙ МЕЗОН - ДАРОМАД, Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, ривожлантиришга нималар

Наманган шаҳрида Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерлиқни қўллаб-қувватлаш маркази, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (Бизнес-Омбудсман), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда вилоят ҳоқимлиги ҳамкорлигида "Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспортини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари ва истиқболлари (Фарғона водийси мисолида)" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, давлат ва хўжалик бошқарув органлари, олимлар, тадқиқотчи-изланувчилар, фермерлар, агрокластерлар, тадбиркорлар ва соҳага алоқадор бошқа ташкилотлар вакиллари қатнашган ушбу анжуманда Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида агар соҳадаги ислохотларни ривожлантиришга оид белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаётга татиқ этишга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг учдан бир қисмидан ортиқроғи аграр соҳа ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигида 3,5 миллиондан ортиқ аҳоли иш билан банд бўлиб, маҳсулотларни чет элга сотишдан тушган тушумлар умумий экспорт даромадларимизнинг 25 фоизигача миқдорини ташкил қилади. 2020 йили пандемиянинг салбий таъсирига қарамастан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

Утган давр мобайнида, Мурожаатномада қайд этилганидек, мева-сабзавотчилик, галлачилик ва чорвачилик йўналишида ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, мева-сабзавотчилик кластерлари томонидан 1,2 млн. тонна маҳсулот етиштирилиб, 526,6 минг тонна ички истеъмолга, 500 минг тонна қайта ишлашга ҳамда 153,7 млн. долларлик 180,4 минг тонна мева-сабзавот экспортга йўналтирилди.

Амалиётга илғор ёндашувлар, инновацион усуллар жорий этиляпти. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва чуқур қайта ишлашнинг "занжири" технологиясига асосланган кластерлар услуби пайдо бўлгани бунга аяқол мисолдир. Аграр жаҳда ва у билан бевосита боғлиқ тармоқлар истиқболли кластер билан боғланаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки бу янги тузилма қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойилларига ўтиш жараёнини тезлаштириш, чекка ҳудудларга саноатни олиб кириш, энг асосийси, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашда катта имкониятга эгаллиги билан ажралиб туради. Таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлар (Европа Иттифоқи, АҚШ, Канада) бозорларида кооперативларнинг улуши 40 фоиздан ошади. Ўзбекистонда эса бу йўналиш эндигина ривожланмоқда.

Аграр соҳада ислохотларни жадаллаштириш, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, чуқур қайта ишлаш ва экспортни ривожлантириш борасида ҳукуватимиз томонидан қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун қуйидаги масалалар ечимини топиши долзарб аҳамиятга эга.

Республикамиз аҳолиси сонининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифага ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши таъсиридан кескинлашуви оқибатида охириги 15 йилда аҳоли жон

бошига тўғри келадиган суғориладиган майдонлар 24 фоизга (0,23 гектардан 0,16 гектаргача), ўртача йиллик сув таъминоти даражаси эса 3 048 метр кубдан 158,9 метр кубгача қисқарди.

Қишлоқ хўжалигида ўртача йиллик сув сарфи иқтисодиёт тармоқларида истеъмол қилинган сув ресурсларининг 90 фоизини ташкил этиб, юқорилигича қолмоқда. Деҳқончилик учун қарийб 88 фоиз сув ресурсларини қўшни давлатлардан импорт қиладиган давлатимизда дунёдаги иқлим ўзгариши ва бошқа омиллар тўғрисида бу борадаги тақчиллик йилдан йилга кучаймоқда.

Ер ва сув ресурслари тобора танқис бўлиб бораётган шароитда экинларни жойлаштиришда иқтисодий самардорлиги ва бозор конъюнктураси инobatга олинмагани, интенсив ёндашувлар жорий этилмагани боис қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми паслигича қолмоқда. Бу эса аҳоли сони муттасил ўсиб бораётган вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, камбағал қатлам учун кундалик истеъмолга зарур маҳсулотларни (картошка, пиёз, ун, ўсимлик ёғи, гўшт ва ҳоказо) арзон нархда йил давомида узлуксиз етказилишини таъминлаш сингари долзарб иқтисодий-ижтимоий масалани олдимизга қўяди.

Таъкидлаш жоизки, Конституция-мизнинг 53-моддасига мувофиқ, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларининг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Таҳлилларга кўра, ҳар бир туманда кўпинча битта кластер фаолият юритади. Шу боис фермерларда шартнома имзолаш борасида танлов йўқ, ўзлари етиштирган пахта нархини белгилаш бўйича назорат ёки музокара ўтказиш имкони мавжуд эмас. Муस्ताқил кооперативларини ташкил этмоқчи бўлган фермерлар ушбу тумандаги кластер билан шартнома имзолашдан бошқа чораси йўқ. Кластерлар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида тенг ҳуқуқлилиги принципи ва бозор тамойилларига асосланган муносабатларнинг қатъий жорий қилиниши келгусида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларининг жаҳон бозорига сотилишига ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, дунё текстиль брендлари қатъий мониторинг учун қулай муҳитни ҳамда етказиб бериш занжири стандартларига риоя қилиниши таъминлай оладиган кучли муштақил фуқаролик жамиятига эга бўлган мамлакатдан маҳсулотлар олишни истайди.

Уруғчилик ҳамда кўчатчилик хўжалиқлари харажатларининг камида учдан бир қисмига субсидия ажратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда туманларнинг ихтисослаштирилиши, тупроқ-иқлим шароити ва сув таъминотини, шунингдек, чуқур таҳлиллар ва халқаро экспертларнинг тавсияларини



ҳисобга олган ҳолда "майдон бирлигидан юқори фойда олиш" тамойилига асосан экспортбop экинларни жойлаштириш, юқори авлодли уруғликлар билан таъминлаш, илғор ресурстежовчи, инновацион технологиялардан фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш борасида чораларни кўриш лозим. **Таассуф билан таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда ривожланган давлатларда 1 метр куб сув билан 4-6 АҚШ долларилек маҳсулот етиштирилаётган бўлса, республикамизда бу кўрсаткич 0,15 АҚШ долларини ташкил этмоқда, ҳолос.**

Шу таразда қишлоқ хўжалиги соҳасини юқори қийматли экинларни кўпайтириш орқали диверсификация қилиш ниҳоятда долзарб бўлиб турибди. Ўзбекистонда мева-сабзавот етиштириш ўсимлик маҳсулоти қийматининг 50 фоизини ва мамлакат қишлоқ хўжалиги товарлари экспорт қийматининг 35 фоизини ташкил этади. Ушбу экинлар аънавий даромадларга қараганда кўпроқ фойда келтириши билан бирга яхши ҳақ бериладиган мавсумий иш манбаи ҳамдир. Айниқса, хотин-қизлар учун қўшимча иш ўринлари яратилади. Масалан, ёввойи ҳолда ўсувчи ковул ўсимлиги хомаш ё базасидан самарали фойдаланиш мумкин. Шу йўсинда аграр соҳада ҳосилдорлик кўрсаткичи билан эмас, балки кўрилаётган соф иқтисодий фойда билан баҳолаш механизмининг йўлга қўйиш бугунги давр талабига айланмоқда. Рентабелликни ошириш – ердан фойдаланиш самардорлигини ошириш, унинг иқтисодий асосларини муштақамлаш лозим. Президентимиз таъбири билан айтганда, тупроққа тушадиган ҳар бир томчи сув, ҳар грамм ўғитининг аниқ ҳисоб-китобини олиш, ҳосилдорлик, даромаднинг кўпайтириш чораларини кўриш лозим.

Маълумотларга кўра, **2020 йили Ўзбекистонда 16 млн. тоннадан зиёд мева-сабзавот етиштирилди. Ушбу ҳосилнинг қарийб 1,5 млн. тоннаси (қиймати 1 млрд. АҚШ доллари) халқаро бозорга экспорт қилинди. Хусусан, мева-сабзавотчилик кластерлари 1,2 млн. тонна маҳсулотлар етиштириб, шундан 526,6 минг тоннаси ички истеъмолга, 500 минг**

тоннаси қайта ишлашга ҳамда 180,4 минг тоннаси экспортга йўналтирилган.

Мутахассислар томонидан Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари хуфья бозори ҳажми қарийб 7 миллиард долларга баҳоланмоқда. Бунга қарши курашни тадбиркорлар йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш орқали амалга ошириш, жумладан, маҳсулот етказиб берувчилар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида эркин бозор нархларида шартномавий муносабатларнинг кенг йўлга қўйилиши ва ижросининг таъминлини мақсадга мувофиқ.

Статистикага қараганда, 2020 йилнинг 10 ойида цитрус мевалар импорт ҳажми республикамизда қарийб 23 млн. долларни ташкил этган (асосий улуш: 17,6 млн. доллар – банан, 1,7 млн. доллар – апельсин). Бу эса республикамизда валюта тежамкорлигига эришиш ва ер майдони бирлигидан юқори даромад олиш тамойилидан келиб чиқиб жанубий ҳудудлар, хусусан, Сурхондарё вилоятида, шунингдек, иссиқхона хўжалиқларида цитрус мевалар (жумладан, банан ва апельсин) етиштирилишини йўлга қўйиш (янада кўпайтириш) каби долзарб вазифани етакчи олим-агрономлар, мева-сабзавот кластерлари, бободоҳқонлар олдига қўймоқда.

Стратегия доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасини 2030 йилгача ривожлантиришда ўртача меҳнат унумдорлигини 1,7 баробар ошириш, маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича қўшимча 3,4 млн. тонна қувват яратиш ҳамда ушбу кўрсаткични 30 фоизга етказиш, экспорт ҳажминини эса 20 млрд. АҚШ долларига кўтариш белгиланган.

Республикамизда етиштирилган мева – 20 фоиз, сабзавот ва полиз экинлари – 5 фоизга яқин, узум – 10 фоиз атрофида саноат корхоналарида қайта ишланмоқда, ҳолос. Бу эса мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш қувватларини модернизация қилиш ва кескин ривожлантириш борасида ҳукуват даражасида инвестициявий дастур ишлаб чиқиш ва қабул қилиш долзарб аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Натижда республикамиз озиқ-овқат хавфсизлиги пойдево-

ЛЕКИН...

қайта ишлаш ва экспортини тўсқинлик қилмоқда?

рини янада мустаҳкамлашга шарт-шароит яратилади.

Мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга қулай шароит яратадиган инфраструктура шаклланди. Мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш бўйича логистика марказларини кўпайтириш ва фаолиятини ривожлантириш лозим. Шунингдек, экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг йўл харажатларини (авиа, авто) камайтириш ёки буни қоплаш учун экспортчиларга қисман бўлса-да, субсидия ажратиш масаласини ҳал этиш мақсадга мувофиқ. Президентнинг 2019 йил 24 мартдаги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз экспортчиларига темирйўл орқали экспорт товарларини етказишда сарф-харажатларни компенсация қилиш учун 50

мини кўпайтириш учун нарх томонидан рақобатбардошликка эришишни таъминлаш билан бирга, мева-сабзавот маҳсулотлари сифатини янада ошириб бориш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бунда истиқболли йўналишларидан бири халқаро бозорларда рақобатбардош бўлган эко (органик) маҳсулотлар етиштиришдир. Мутасадди идоралар томонидан махсус биомаркировка кўйилиши, яъни "ЕКО", "БИО", "АВ", "ОРГАНИК" ёки экспорт қилинаётган мамлакат қоидаларига кўра бошқа, жумладан, GLOBAL G.A.P. каби халқаро кенг тан олинган стандартларнинг жорий этилиши, экологик тоза – органик маҳсулотлар етиштирувчи ва чуқур қайта ишлаб чиқарувчиларга молиявий кўмак кўрсатиш ҳамда чет элдан харидор топишга ёрдам берилиши муҳим аҳамиятга эга.

Аграр соҳада меҳнат қилган барча фермер, деҳқон,



фоизгача миқдорда субсидия ажратилиши механизми йўлга қўйилган. Айни пайтда, АҚШ ёки Европа мамлакатларига эртапишар гилос ва бошқа мева-сабзавот маҳсулотлари, дуккакли экинларни ва улардан чуқур қайта ишланган маҳсулотларини экспорт қилишда йўл харажатлари маҳсулот таннархига нисбатан бир неча баробар ошганини таъкидлаш лозим (масалан, 1 кг кунжут ёғи бозорда 25 минг сўм бўлгани ҳолда Тошкент – Нью-Йорк, Тошкент – Истанбул – Нью-Йорк маршрути бўйича авиакўришлар 1 кг юк учун қарийб 2,3 доллардан то 8-9 долларгача эканини кузатиш мумкин). Бу эса маҳсулот таннархини кескин кўтариб юборади ва республикамиз маҳсулоти рақобатдошлигини пасайтиради.

Юртимизнинг келажақда Жаҳон савдо ташкилотига аъзолигидан самарали фойдаланиш, жумладан, МДХ, Европа Иттифоқи ҳамда Осиё мамлакатларига экспорт ҳаж-

кластер эгалари ва қишлоқ хўжалик кооперативлари аъзолари манфаатлари уйғунлигини таъминлаш, мулкчилик шакллари хилма-хиллиги ва қонун олдида баробарлигига эришиш, бозор талабини ўрганиб, ақл билан иш тутиш, тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб экинларни жойлаштириш, ерни муҳофаза қилиш, аграр соҳа ходимларининг билим ва малакасини ошириб бориш мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириб, экспорт салоҳиятини кўтариш ҳамда қишлоқ аҳли даромадининг ошишига хизмат қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳамма иқтисодий соҳаларда асосий мезон – даромад. Манфаатдорлик бўлса, иш, натижа бўлади.

Ақром АЛИМОВ,
Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази Бош директори.

Султонмурод МИХРИДИНОВ,
марказ бўлим бошлиғи



Ҳамма депутат шундай бўлсайди..



"Ғиждувон – ишбилармонлар юрти" деган гапни эшитганмисиз? Бу ерда тадбиркор деганда фақатгина пул топадиган инсон тушунилмайди. Узоқни кўзлайдиган, ақл билан иш тутадиган, бошқалардан ёрдамини аямайдиган, сармоя тикишининг минг хил усулини биладиган устаси фаранглар кўп мазкур ҳудудда.

Гулбаҳор Шарапова ҳам ана шу туманда ўсиб-ўлғайган. Бизнес юритишдаги зукколиги боис O'zLiDePдан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати этиб сайланган. Ҳозирда "MARJON STOM SERVIS", "G'IJDUVON DIAGNOSTIKA MASKANI" сингари хусусий корхоналарни бошқариб келяпти.

Тадбиркор опа тиббиёт институтининг стоматология йўналишини тамомлаган. Эндилқда шу соҳадаги юқори малакали тиббиёт кадрларини халқаро талаб ва стандартлар даражасида тайёрлашга катта эътибор қаратяпти. Бўлажак мутахассисларнинг назарий ва амалий тайёргарлигини ўзaro чамбарчас ҳолда олиб борилишини таъминлаш ишларини жадал суръатларда амалга оширмоқда.

Гулбаҳор Шарапова 2015 йилда нодавлат тиббиёт муассасалари орасида "Энг яхши раҳбар" номинацияси бўйича вилоят миқёсида фахрли биринчи ўринни эгаллаган эди. У раҳбарлик қилаётган муассасада 2012–2020 йиллар давомида 30 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Биргина ўтган йили 87534 нафар бемор қабул қилиниб, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилган.

Тиниб-тинчимас депутат нафақат даромад, балки туман аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида 2012 йил давлат дастури асосида 200 млн. сўм имтиёзли кредит эвазига "MARJON STOM SERVIS" хусусий корхонаси биноси-

ни қуриб, 5 та FONA 100 C стоматология аппарати ва замонавий ускуналар билан жиҳозланган стоматология корхонасини ишга туширди. 2014 йилда эса "G'IJDUVON DIAGNOSTIKA MASKANI" хусусий корхонасини ташкил этиб, замонавий талабларига мос келувчи икки қаватли диагностика биносини ўз малағи ҳисобидан барпо этди.

2018 йилда Германиянинг "Siemens" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган MPT ускунаси 550 минг АҚШ долларига харид қилинди. Корхона фаолиятини кенгайтириш мақсадида имтиёзли кредит асосида МСКТ аппарати келтириб, ишга туширилди. 2019 йилда эса ультратовуш ускунаси олиб келинди.

Муассасада бир кунда ўртача 200-250 нафар беморга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Халқ дардини ўзиники деб билган жонкуяр депутат ташаббуси билан 2018-2020 йиллар давомида 350 дан ортиқ кам таъминланган, ногирон фуқароларга бепул тиббий хизмат кўрсатилди. 2019 йилда эса турли йўналишларда 600 дан зиёд юртдошларимизга хорижлик мутахассислар томонидан бепул диагностика хизмати кўрсатилиши таъминланди.

Гулбаҳор Шарапова фидойи хизматлари муносиб баҳолалиб, "Дўстлик" ордени, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

Депутат мураккаб келган пандемия шароитида ҳам кўплаб оилаларга беминнат хайр-саховат кўрсатди. Юзлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларнинг бепул тиббий кўриқдан ўтишини таъминлади. Халққа келган синовга бефарқ бўлмагани учун "Саховат ва кўмак" фондига ҳам баҳоли қудрат кўмак кўрсатди.

Депутатнинг саяё-харақатлари туфайли айни пайтда аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида 3 қаватли жарроҳлик амалиётларини ўташга ихтисослашган замонавий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланадиган янги бино қуриляпти.

Яқинда партиямиздан сайланган депутат ўз сайлов округи ҳудудидаги 34-мактабда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини тарғиб этишга бағишланган тадбирда фаол қатнашди. Мулоқот якунида вақлимиз мазкур мактабнинг 10-синф ўқувчиси, инглиз тили фани бўйича ўтказилган олимпиаданинг вилоят босқичида биринчилиكنи қўлга киритган Диёра Жабборовна ҳамда 32-умумтаълим мактабида ёшларга инглиз тили фанидан сабоқ бераётган Лола Исमतовага bookpoint китоблар тўпламини ҳадя қилди. Шу таълим масканидаги 6-синф ўқувчиси, белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Миржаҳон Исроилова депутат стипендияси таъсис этди.

Умид қиламиз, маҳаллий кенгаш депутатлари орасида ана шундай қўли очиқ, меҳр-муруватли халқ ноиблари кўпайсин!

Обид ҚўЛДОШЕВ,
O'zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши матбуот котиби

БАЛИҚЧИЛИК —



Балиқ кони фойда: меъёрида истеъмол қилинса, соғлиқни мустаҳкамлайди, имконият яратилиб, етиштириб сотилса, чўнтак учун мумайгина даромад. Бироқ писта пўчоғича келадиган балиқни килограмм тош босадиган ҳолга олиб келишнинг ўзи бўлмайди. Бир гуруҳ ҳамкасблар ва “Ипотека банк” акциядорлик тижорат банки ходимлари ҳамроҳлигида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида жойлашган “YANGI OLTIN BALIQ” масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, хўжалик фаолияти билан яқиндан танишгач, бозор расталарида қатор терилиб турадиган зогораю дўнпешоналарни етиштириш ортида қанча меҳнат, машаққат борлигига яна бир бор амин бўлдик.

Дастлаб мазкур хўжалик тўғрисида қисқача маълумот келтирсак.

“YANGI OLTIN BALIQ” МЧЖ 2012 йили ташкил этилган. Тадбиркорлик субъектининг асосий фаолият тури – балиқчилик. Раҳбари – тиниб-тинчимас тадбиркор Умиджон Жабборов. Ушбу субъектга “Ипотека банк” АТИБнинг Тошкент вилоят филиали амалиёт бошқармаси хизмат кўрсатади.

Йилдан йилга маррани баланд олаётган хўжалик фаолияти билан танишишни ёпиқ сув айланмаси биносидан бошладик. Бу ерга киришингиз билан бетиним ишлаётган турли мосламаю икки-уч дошқозон сифимига тенг бочкаларга кўзингиз тушади. Бир нечта ёмпсда шакл-шамойили кичик макаронни (бир ҳамкасбимиз ўхшатиши) эслатадиган нарсалар тинимиз ҳаракатда. Идишлардаги сув ҳам худди қайнаётгандек – биқиллаб турибди. Бироқ сув ҳарорати илиқ.

Ердан ярим метрлар чамаси кўтарилган 6 та бочкада ҳам сув “қайнапти”. Аммо бу идишларда ёмпслардагидек “макарон” эмас, қаричимиз етгулик кўплаб балиқлар бор экан. Ҳали у, ҳали бу томонга қараб, саволларимиз кўпаяётган кез хўжалик ходимаси Азиза Тўлаганова етиб келди-ю, барча сўровларимизга ортиғи билан жавоб олди. У бизни ҳар бир ускуна билан бир-бир таништириб борапти. Техника товусидан англамай қолганларимизни қайта-қайта сўраб, ёзиб оляпти. Бу ёғини Азизахондан эшитинг.

– Бу интенсиф цехдан қиш мавсумида фойдаланамиз. Ҳаво ҳарорати пасайгач, очиқ кўл ҳавзаларидан 300 граммлик балиқларни олиб келиб, манави



6 та бочкага ташлаймиз. Чунки ҳаво совигач, балиқлар, табиийки, озуқаланишдан тўхтайдилар. Биз эса қишда ҳам аҳолини балиқ билан таъминлаш мақсадида шу бино ва бочкалардан фойдаланамиз. Барчаси Хитой технологияси. Ҳар бир бочка сифими 1 тонна-

лик. Сувнинг “қайнаши”га келсак, шу тарзда балиқларга кислород етказилади, сув тозаланади. Бу технологиялар орқали сув ҳарорати ҳам аниқлаштириб турилади. Ҳарорат эртаю кеч назорат қилиб турилиши лозим.

Ҳамкасблар билан балиқларнинг, балиқчиликнинг “тили”ни пухта ўрганган Азиза Тўлаганова яна саволлар берамиз.

– Балиқлар бочкаларда қанча вақт озуқалантирилади?

– Икки ярим ой.

– 300 граммлик балиқчалар шу муддатда...

– 1-1,5 килограммга етади.

– Қандай балиқ турлари бор бу идишларда?

– Ҳозирча фақат зогора балиқ.

– Олтита бочкада етиштириладиган маҳсулот талабни қондираётими?

– Йўқ. Шу сабаб яна шундай 20 та идиш ўрнатишни режа қилганмиз.

– Озуқалантириш жараёни ҳақида гапириб берсангиз...

– Тонг саҳарлаб емиш ташлана бошлайди. Кун давомида олти марта. Ҳар тўрт соатда 700 граммдан.

– Емишлар таркиби нималар-

Улар эса балиқлар учун кўшимча емиш.

Идишлардаги сувлар мунтазам тозаланиб турилибди. Чин юртининг технологияси ходимлар ишини енгиллатмоқда...

Азиза бизни кираверишдан чап томондаги колбалар томон бошлади ва сўрамасимизданок маълумот бера кетди.

– Бу колбаларда балиқлардан олинган икра-увилдириқлар ривожлантирилади. Личинкалар турига қараб, 5-6 кун, бир ҳафта ичиде фаол озуқаланишга ўтади. Сўнгра уларни очиқ кўл ҳавзаларига қўйиб юборамиз. Парвариш ўша ерда яна давом этади. – Азиза шундай дея ташқарига – очиқ кўл ҳавзалари томон ишора қилди. Биз ҳам ўша томонга йўл олдик...

Куюқ теракзор оралаб ўтдик ва ярим гектарлик майдонда жойлашган бир кўл қаршисидамиз.

Азиза Тўлаганова маълумот беришда давом этди.

– Ҳавзада ўлчами пистага тенг балиқлар бор. Улар то 300 граммга етгунича ҳавзаларда алмаштирилиб парваришланади. Совуқ тушгунча бир килодан ортиқ тош босадиганлари бозорга жўнатилади, кейинроқ ташланган “семеч-

дан иборат?

– Балиқ уни, соя, биовитаминлар. Маккажўхори, бугдой ва арпа эса прессланган ҳолда кўшилади.

Шу тариқа саволлар ҳалиги ёмпсларга уланди. Ходиманинг айтишича, бу “макаронлар”дан биопланктонлар ҳосил бўлади.

ка”лар ҳажмига қараб интенсиф цехга олинади.

– Бундай кўллари сони нечта?

– 6 та.

– Ҳаммасидаги балиқлар “семечка”ми?

– Йўқ. Ҳар хил. Масалан, сотувга тайёрлари ҳам бор.

РИЗҚ-БАРАКА, БОЙЛИК



– Озуқа буларга ҳам кунда 6 маҳалми?

– Йўқ. Кўлдаги балиқларга 3 маҳал емиш ташлаймиз. Ҳозир қиш бўлгани учун озуқа берилмайди бу ердагиларга.

– Балиқларни зараркундалардан қандай сақлайсизлар?

– Масалан, балиқхўр кушлардан дейсиз-да. Қоровуллар бор айна шу ишга масъул.

Шу орада хўжалик раҳбари Умиджон Жабборов ҳам суҳбатимизга қўшилди. Энди саволларимизга ишбилармоннинг ўзи жавоб бера бошлади.

– Умуман, хўжаликда неча турдаги балиқ етиштирилади?

– 4 та – зоғора, дўнгпешона, оқ амур, чипор балиқ. Келгусида турлар сонини оширишни ният қилганмиз.

– Маҳсулотнинг сотувга чиқарилиш жараёни ҳақида гапирсангиз.

– Тошкент шаҳри деҳқон бозорларида хўжалигимизнинг тирик балиқ сотишга ихтисослаштирилган 19 та савдо шохобчаси бор. Тайёр балиқлар ўша нуқталарга етказилади. Сўнг харидор турларни таъбга кўра танлаб сотиб олаверади.

– Масалан...

– Оқ амурни олайлик. Унинг қилтаноғи кам. Ёғсиз. Қон босимига ҳам таъсир кўрсатмайди.

– Ёғли ёки ёғсиз бўлиши нимага боғлиқ?

– Парваришга, озиклантиришга. Яна турларга ҳам.

– Хўжалигингизда неча киши иш билан таминланган?

– 12 киши.

Ишбилармон айна шу саволга қўшимча тарзда давом этди:



– Уларнинг олти нафари талаба. Тошкент давлат аграр университетининг зоотехния факультети балиқчилик йўналишида соҳага доир билимларини оширмоқда. Улар ҳаммаси ўзимиз яшаётган мана шу худуддан. Ҳам ўқиб, ҳам ишлашяпти. Азиза ҳам шу талабаларимиздан бири.

Назария ва амалиёт уйғун бўлса, албатта, натижа зўр бўлади. Маълум бўлишича, университетнинг айна шу йўналишидаги талабалар хориж тажрибасини ҳам фаол ўрганмоқда. Чет эллик мутахассислар, педагоглар талабаларга билим ва тажриба улашмоқда. Демак, олти талаба ўқишни битирмасданок ўз йўналиши бўйича аллақачон ишга жойлашган. Олаётган билимларини амалиётда қўллаб, мазкур тадбиркорлик субъектининг даромади ошишига, сифатли маҳсулотларнинг бозор

расталарига чиқишига ҳисса қўшадилар.

Умид Жабборовни саволга тутишда давом этдик.

– Бир йилда қанча балиқ етиштирилади? Масалан, ўтган йил мисолида...

– 2020 йилда 100 тонна балиқ овланди. Бу йилги режа эса 300 тонна. Бундан ташқари, ҳар йили 1 миллион дона чавоқ етиштирилади. Унинг 300 мингга ўзимизнинг кўллари, қолгани бошқа балиқчилик хўжаликларига сотилади.

2021 йилда марра – 300 тонна! Етти ўлчаб бир кесадиған, ҳисоб-китобга пухта тадбиркор кўзи етмаса, бундай рақамни айтмайди. Демак, асос бор.

– Хўжалигимизнинг умумий майдони 18,6 гектар. 12 гектарида кўллар жойлашган. Шундан 2 гектарида Хитойда ишлаб чиқарилган

рур имтиёз ва кенг имкониятлар яратилмоқда, – дейди **банкнинг балиқчилик бошқармаси мутахассиси Дилшод Бобоев**. – Ҳозирги кунда мамлакатимизда балиқ етиштириш билан шуғулланувчи хўжаликлар сони 4 мингдан ортиқ. Президентимизнинг 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб, янгидан ташкил этиладиган сунъий сув ҳавзаларида интенсив усул ва ресурс тежамкор технологиялар қўлланидиган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “YANGI OLTIN BALIQ” масъулияти чекланган жамияти томонидан сунъий сув ҳавзаларида интенсив усулдаги ресурс тежамкор технологиялар ишга туширилди.

интенсив усулда балиқ етиштириш мосламаси олиб келиниб, ўрнатилиши режалаштирилган эди. Ҳозир 1 гектарида шундай технология ўрнатилди. Бу мосламалар сувни тозалаш, кислород етказиш, ҳароратни назоратда тутишда кўл келади. Булар эса маҳсулдорликни бир неча баробар оширишга хизмат қилади. Мазкур технология “Ипотека лизинг” масъулияти чекланган жамиятининг воситчилигида олиб келинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Икки кўлнинг ўртасида мустақам ўрнатилган технологияга кўз югуртираемиз.

Маҳсулдорликни бир неча баробар оширадиган бу мосламалар нархи ҳам анча баланд экан.

Бу борадаги саволлар билан ҳамроҳларимиз – “Ипотека банк” ходимларига юзландик.

– Кейинги йилларда юртимизда балиқчилик тармоғида фаолият юритаётган хўжаликлар учун за-

Лойиҳа қиймати 5 миллиард 800 миллион сўм бўлиб, банк кредити 3 миллиард сўмни ташкил этган. Жамиятга ажратилган кредит маблағи ҳисобига Хитойдан 1 дона ускуна олиб келиниб, балиқ боқиш ҳавзалари ташкил этилди ва улар учун зарур озуқа маҳсулотлари харид қилинди. Лойиҳа ишга туширилиши натижасида 10 та янги иш ўрини яратилди.

Бугун тадбиркор бўламан деган киши учун барча эшиклар очик. Имкониятлар кенг. Сизу биз эшитган эртақларда тешиқ тоғорани бутлаш, ҳашаматли иморатда яшаш учун тўрга илинган олтин балиққа тилақ билдирилади. Ҳаёт эса эртақ эмас. Ишнинг кўзини билиб, кунт, сабр-матонат ва ҳалоллик билан меҳнат қилган, ўқиб-ўрганган, имконияту имтиёздан оқилона фойдаланган кишиларгина мақсадларига етади.

Сардор МУСТАФОЕВ,
“XXI asr” мухбири

Хотиржамликка нима етсин?!



“Фалокат оёқ остида” деб бежизга айтишмайди. Ҳар қанча истамайлик, бахтсиз ҳодиса бўлиши мумкин ва унинг қачон содир бўлишини олдиндан билиб бўлмайди ҳам. Ташвишланарли томони, у одатда кўпгина муаммоларга сабаб бўлади ва оилавий бюджетга катта зарар етказиши. Агар сизда суғурта полиси бўлмаса, демакки, харажатлар ҳам ўз зиммангизга тушади!



“Кафолат суғурта компанияси” АЖнинг суғурта полиси сизга суғурта ҳодисаси рўй берганда молиявий компенсация тўлаишини кафолатлайди.

Суғурта сизни бахтсиз ҳодисадан сақлаб қола олмайди, лекин у моддий зарарни қоплаб беради.

Компания суғурта хизматлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишни истайсизми?


Унда, https://t.me/kafolat_sugurta телеграм каналимизга аъзо бўлинг, www.kafolat.uz сайтимизни кузатинг ва фаолиятимиздан хабардор бўлинг. +99 871 202 88 22 рақа-



KAFOLAT

мига мурожаат қилинг ва қизиққан саволларингизга жавоб олинг.

Биз – сиз ва яқинларингиз учун қайғурамыз.




“Муҳаммад Юсуф: Улуғимсан Ватаним!”

■ *Одамзот неча йил умр кўриши мумкин? 40-50-100 ва яна... Яратган, тақдир пенонасига неча йил битган бўлса, шунча яшаш мумкин дейишлари ҳам бежиз эмас. Лекин бор-йўғи 47 йилгина яшаб дунёдан ўтган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳақида ҳам шундай хулоса қилиш мумкинми? Йўқ, албатта!*

Тасаввур қилинг, оз эмас ахир, 20 йил бўляпти улуғ шоирнинг орамиздан кетганига. Қани, айтинг, бирор кунимиз бормикан унинг халқона шеърларини эшитмаган ёки хиргойи қилиб куйламаган бўлсак. Демак, Муҳаммад Юсуф ўлмаган, руҳан тирик у, қалбимизда, халқимиз орасида абадиятга йўғрилган ижоди билан яшаётир.

Ажойиб хушхабарни эшитгандирсиз, “Ўзбек-



кино” Миллий агентлиги буюртмасига биноан “Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти билан ҳамкорликда “Ижод студияси” томонидан “Муҳаммад Юсуф: Улуғимсан Ватаним!” деб

номланган бадиий-публицистик ҳужжатли фильмнинг суратга олиш жараёнлари сўнгги босқичда экан шу кунларда.

Қувонарли жиҳати, фильм сценарийсини Муҳаммад Юсуфнинг асл шоғирди, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо тай-

ёрлаган. Ишончимиз комилки, бу ҳужжатли асар ҳаётийлиги, халқчиллиги билан ажралиб туради. Ижодий гуруҳ аъзолари (Достон Ҳожиматов, постановкачи режиссёр Иқбол Мелиқўзиев, бадиий раҳбар Иброҳим Юлдашев)нинг изоҳ беришича, шоирнинг рамзий образи орқали унинг руҳий кечинмалари, бошидан кечирган дардли қувонч ва изтироблари, она юрти Андижон соғинчи, пойтахтда кечган унутилмас воқеалар атрофича ҳикоя қилинади.

Хўш, азизлар, энди айтарсиз, Одам Атою Момо Ҳавомиз зурёди бўлмиш одамзот фарзандининг

неча йил умр кечирмоғини суюкли шоиримиз Муҳаммад Юсуф тимсолида таққослайдиган бўлсак, асрлар ҳеч гап эмаскан-да!

Яна бир ибратли томони шуки, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти шафелигида шоирнинг бой адабий меросини ўрганиш, тарғиб этиш, муборак хотирасини абадийлаштириш борасида кўпдан бери хайрли ишлар амал оширилаётгани ҳам алоҳида бадиий, ҳужжатли асарларга мавзۇ бўлади.


Жавҳарбек ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси

ЭНЕРГО-ТЕЖАМКОРЛИК ҶУЗИНИ ОҚЛАЙДИМИ?

“Толимаржон иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари бугунги кунда электр ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш мақсадида бор билим ва тажрибаларини ишга солишяпти. Жорий йилга мўлжалланган 11200,0 млн. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш юзасидан чора-тадбирлар

орқали ёки мамлакат ҳудудидида ишлаб чиқариб, эркин сотиш учун имкониётлар яратилишига йўл очилапти. Бу билан тез орада энергия ресурслари танқислиги муаммосини бартараф этиш мумкин бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, станциянинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш мақсадида замонавий, тежамкор ёқилғи сарф қиладиган технологиялардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Президентимизнинг “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор



ТОЛИМАРЖОН ИЭС ҲАЁТ ЧИРОҒИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК!

режаси ишлаб чиқилган бўлиб, жамият жамоаси ушбу залворли вазифаларни бажаришга астойдил бел боғлаган. Қилинган саъй-ҳаракатлар натижасида ойлик режалар ортиги билан бажарилмоқда.

– Президентимиз томонидан парламент ва халқимизга йўлланган Мурожаатномада иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг устувор йўналишлари, маданий-гуманитар ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш борасидаги ишлар аниқ белгила берилди, – дейди “Толимаржон иссиқлик электр стан-

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 8 комплект “Қуёш батареяси қурилмалари” ўрнатилди. Бу йил маъмурий-маиший бинонинг ёритиш тизими электр таъминотини қуёш батареясига ўтказиш учун қуввати 10 кВт соат бўлган 4 жуфт “Қуёш батареяси қурилмалари” ўрнатилади ва йилга 55258 кВт соат электр энергияси тежалишига эришилади. Шунингдек, станциянинг ўз ва хўжалик хизмати биноларига 8 жуфт қуёшли сув иситкичи батареяси қурилмалари ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, бу қурилмалар 32440 кВт соат

билан жамият сув тозалаш бўлими операторлари Матлуба Насруллаева, Орзиғул Абдуллаева, кимё цехи лаборанти Норой Ёқубова, хизматчи Гулзода Авлоқуллова “Энергетика фахрийси” дея эътироф этилди. 7 нафар хотин-қизга эса корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг махсус мукофотлари топширилди.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатликларини муҳофаза қилиш, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштироки ва оилалар мустақамлигини таъминлаш, оилавий қадриятларни эъзозлаш ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш мақсадида турли беллашув, учрашув ҳамда бошқа соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилмоқда.

– Аёлларимиз фақат турмуш ташвишлари, фарзандлари тарбияси билан машғул бўлиб қолмасдан, станциямиздаги ҳар бир ишга виждонан ёндашади, – дейди жамият сув тозалаш бўлими оператори Матлуба Насруллаева. – Яхши ишлагандан кейин мазмунли ҳордиқ чиқаришга ҳам жамиятимиз алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳар йили мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари, муқаддас қадамжоларга саёҳат ва зиёратлар ташкил этиляпти. Айниқса, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёлларнинг тиббий маданиятини юксалтириш орқали соғлом ва мустақам оилани қарор топтириш борасида қатор ибратли ишлар қилинмоқда.

ЯХШИ ИШЛАГАН ЯХШИ ЯШАЙДИ!

– Ўтган йили жамоамизнинг 20 нафар ишчи-хизматчиси республика сийҳатгоҳларида саломатликларини тиклаган бўлса, 50 нафарига 30 миллион сўмдан кўпроқ миқдорда моддий ёрдам берилди, – дейди жамият касаба уюшма кўмитасининг раиси Анвар Аширов. – Ҳар йили маъмурият ва касаба уюшма фаоллари томонидан Нишон туман Нуристон шаҳарчасида яшовчи фахрийларимиз, беморлар, ногиронлар, эҳтиёжманд оилаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш аънамага айланган.

Станциямизда қулай ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, тартиб-ин-

тизом, тозалик ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш, ходимларнинг махсус кийим-бош билан таъминланиши, умумий овқатланиш шохобчалари фаолиятини назорат қилиш уюшмамиз зиммасида. Ишловчиларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигида белгиланган вазифаларни қафолатлашга эришиш қатъий назорат қилинади. Уюшма аъзолари бўлган 1300 га яқин ишчи-хизматчимизнинг қувонч-ташвишларига шерикмиз. Хуллас, ҳалол меҳнат қилган одам роҳатини ҳам кўриши керак-да.

МАСЛАҚДОШ-ЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

“Толимаржон иссиқлик электр станцияси”да 300 нафарга яқин O’zLiDeP аъзоси бўлиб, улар Нишон туманининг ўттизга яқин маҳалла ва қишлоқларида истиқомат қилади. Партия фаолларидан Анвар Аширов, Алишер Элмўминов, Шодиёр Холлиев, Дилфуза Ражабова ва Юлдуз Соатова ва бошқалар бўш вақтларида Нуристон кўрғончаси, “Пахтазор”, “Жаложин”, “Меҳнатобод” ва “Пахтаобод” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги деҳқон хўжаликларни ерлари ва аҳоли томирқаларини кўздан кечириб, фойдали маслаҳат ва амалий кўмаklarини беришаётир.

– Туманимизда 18 минг 884 та томорқа ер эгалари ва 803 та деҳқон хўжалиги мавжуд, – дейди жамият бошланғич партия ташкилоти раиси Шухрат Нормўминов. – Ҳозирга қадар депутатларимиз ва партиямиз фаолларидан ташкил этилган гуруҳ аъзолари кўпчилик хонадонларда бўлиб, камбағал оилалар, ёрдамга муҳтож ногирон ва кексаларга тадбиркор ва фермерларнинг ҳомилиги асосида томорқа ерига ишлов беришда кўмаклашиш, экиш учун уруғлик ва кўчатлар сотиб олишда кўмаклашади.

Партия куйи бўлини фаоллари кўмагида ўндан ортиқ хонадонда томчилатиб суғориш ускуналар келтириш ҳамда минииссиқхоналар ташкил этишга кўмаклашилди. Камбағал оилаларга депутатлар томонидан уруғлик, лимон, бодом, олма, ўрик, шафтоли, беҳи каби ўнлаб мевали дарахт кўчатлари етказиб бериляпти. Уюшмаган ёшларни камбағалликдан чиқариш мақсадида 20 сотихдан ер ажратилиб, ерга ишлов бериш ва уруғлик билан таъминлаш йўлга қўйилди. Наврўз байрами арафасида кўллаб ёшларга моддий ва маънавий кўмак бериш юзасидан бошланғич ташкилотнинг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, йил охирига қадар 50 дан кўпроқ ёш оилаларни тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлиги ва фаровонлиги таъминланади.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири



цияси” акциядорлик жамияти бош директори Олим Юсупов. – Энергетика тармогининг салоҳиятига қараб, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ва техникавий жиҳатдан ривожланаётгани тасаввур этса бўлади. Санотнинг тараққий даражаси аҳоли жон бошига истеъмол қилинадиган электр энергияси миқдори билан белгиланади. Шиддатли замон билан бақамти қадам ташлаш учун ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қувватларни кўпайтириш, истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш талаб этилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдиган энергия таъминотини йил сайин яхшилаш мақсадида тармоқда катта ислохотлар амалга ошириляпти.

2021 йилда давлат ва хусусий электростанциялар ҳамда истеъмолчилар ўртасида электр энергияси улгуржи бозорини шакллантириш бошланиши белгиланган. Юртбошимиз ташаббуси билан тадбиркорларни ушбу бозорларга жалб этган ҳолда, улар томонидан энергия маҳсулотларини импорт қилиш

электрни тежаш имконини беради. Жамиятда ёқилғи энергоресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, йил давомида табиий газ, иссиқлик ва электр энергиясини тежаб ишлатишга алоҳида эътибор қаратилади.

ҲОРМАНГ, НУРИСТОНЛИК АЁЛЛАР!

“Толимаржон иссиқлик электр станцияси”да айна пайтда 271 нафар хотин-қиз ишлайди. Уларнинг 175 нафари ишлаб чиқаришда, 8 нафари бошқарув ходимлари, 65 нафари хизматчи бўлса, қолганлари турли соҳаларда фаолият олиб боришяпти. Марказий таъмирлаш цехи кран машинисти Ирина Шабанова, кимё цехи лаборанти Хилола Маматова кўп йиллардан буён ўз касбини шарафлаб келаётган фаол хотин-қизлардан. Энергетикларнинг аънавий касб байрами муносабати

Мулоқот

Ҳаётини сабоқлар қадри

Табиийки, бизнинг талабаларимиз учун ижодкор зиёлилар билан учрашув, гурунлар ҳар доим қизиқарли кечади. Боиси битта, улар илмий-амалий сабоқлардан фарқли ўлароқ, кўпроқ ҳаётини воқеалардан ҳикоя қилишади. Зерикмайсиз, аксинча, кўнглингизда адабиётга, ижодга меҳр уйғонади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

вазифа этиб белгилангани бежиз эмаслигига алоҳида ургу берди.

Шундан сўнг тadbирга тақлиф этилган ижодкорларга навбат берилди. **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Чори Латипов** ойнаи жаҳон орқали ёки маҳалла-кўйларда ҳар хил фарзли мақсадлар илмида жиноят кўчасига кириб қолаётган ўсмир-ёшлар ҳақида атрофлича тўхталиб, бу каби иллатлар ортида маънавий билимсизлик, на-

тафсил изоҳлади. Йилнинг 12 ойи орасида гоят қадрли бўлмиш февралда таваллуд топган Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларига эҳтиром сифатида битган ижод намуналаридан ўқиб берди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Норқобил Жалил бугун курсант, эртага эса катта ҳаёт остонасига қадам қўйиб, энг муқаддас бурчлардан бири саналган халқ тинчлиги ва осойишталиги ҳимоячиси деган шарафли номга муносиб бўлмоқ учун асосий мезон – одамларни рози қилиш эканини, айниқса, Президентимизнинг ушбу соҳа вакилларига алоҳида эътибор қаратаётгани замирида ҳам энг аввало Ватан, миллат манфаати ётганини таъкидлади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмоннинг ижтимоий ҳаёт нафаси, бахшиёна руҳ уфуриб турган шеърлари даврага ўзгача кайфият бағишлади. Эътиборли жиҳати, академияда тахсил олаётган ва бадиий, мусиқий ижодга қизиққан ёшлар ижросидаги чиқишлар ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Тadbир якунида **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси** томонидан Академия кутубхонасига китоблар совға қилинди.

Сулаймон ВАЛИЕВ,
ИИВ Академияси
хуқуқбузарликлар
профилактикаси кафедраси
катта ўқитувчиси

Суратни Шухрат РАҲИМОВ
олган.



Ички ишлар вазирлиги Академиясининг хуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси томонидан уюштирилган учрашувни таълим муассасаси бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник **Музаффар Зиёдуллаев** очар экан, давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир соҳада, айниқса, ички ишлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар натижадорлигига эришиш жиддий

зоратсизлик, лоқайдлик каби бемаъни сабаблар турганини билдирди. **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Ғайрат Мажид** ушбу академияда тахсил олаётган курсантлар орасида китобхонлик маданиятини янада ошириш ва шу орқали маънавий тарбия, энг муҳим омил саналган халқ билан дардлашиш каби мураккаб сабоқларни пухта эгаллашларида бугунгидек маърифий суҳбатларнинг ўрни бекиёс эканлигини ба-

Болажонлар бурчаги



Ўйнатиб ва ўйлатиб тарбиялаш ҳам санъат

“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбиядан бошланади”. Давлатимиз раҳбарининг бу даъвати таълим соҳаси ходимларини эзгу марраларга рағбатлантириши баробарида хизматларидаги масъулият нақадар оғир ва шарафли эканини эслатиб турибди.

Тарбиянинг пойдевори оилада яратилиши барчага маълум. Ана шу пойдевор устига қуриладиган “девор”нинг дастлабки гиштлари мактабгача таълим ташкилотларида қўйилиши ҳам кўпчиликка аён. Лекин шу гишт қандай қўйилишини ҳамма билвермайди. Шу боис жажжиларни ўйнатиб ва ўйлатиб тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатлари хусусидаги шахсий мулоҳазаларимни ўртага ташламоқчиман. Қоғозга тўкилган фикрлар болаларни руҳшунос сифатида кузатиш ҳулосалари асосида тайёрланган.

Болаларнинг мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари, уларнинг атрофидаги нарсалар ҳисобидан дунё-қараш кенгайиб бориши фанда исботланган. Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти эса ўйиндир. Бу ёшдагиларнинг ўйинларини учга бўлиш мумкин: предметли, сюжетли ва қоидали ўйинлар. Болалардаги руҳий зўриқишни кетказиш учун ўйинлардан фойдаланиш яхши самара беради. Ўйин жараёнида бола ўзини эркин ҳис қилади, завқланади, кайфияти кўтарилди, таваккал қилишга ўрганади, ўзидаги ортиқча ҳаяжонни бартараф этади. Стресс ҳолатида, нутқ ривожланишидан ортда қолганда, ёмон ҳулқ-атворда, тажовузкор, жиззакилик, одамовилик, жамоага қўшилмаслик ҳолларида ўйинлардан фойдаланиш, айниқса, яхши самара беради. Ўйин болалар учун фақатгина эркак эмас. Зеро, болалар ўйин жараёнида теварак-атрофдаги ҳаёт билан,

табиат ҳодисалари билан танишадилар, нарсаларнинг ўзига хос хусусиятларини илғайдилар. Бу жараёнда юрадилар, югурадилар, сакрайдилар, энгашадилар. Ўйинчоқлари билан гаплашадилар. Жамоа бўлиб ўйнаганларида эса ҳар бир боланинг нима қилишини муҳокама қиладилар ҳатто. Буларнинг ҳаммаси нутқ ва фикрлашнинг ўсишига, савиянинг кенгайишига, хотиранинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

МТТда қўлланадиган ўйинларда тарбиячи психолог тавсиялари асосида ўйинга қувноқликни сингдириши лозим. Чунки ўйиндаги завқ кичкинтойларнинг машғулотдаги фаоллигини таъминлайди. Шунинг учун машҳур педагог ва шифокор Э.А.Аркин ўйинни “руҳий витамин” деб атаган. Фикримча, бола битта ўйинни қайта-қайта ўйнашни истаса – бунга руҳсат бериш керак. Тарбиячи, психолог ўйин технологиясида боланинг ёши, имкониятини ҳисобга олиши натижадорлик белгиси бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, ҳар бир ўйин албатта яқунланиши зарур. Юқоридаги фикрларим амалий ифодаси сифатида ота-оналарга, тарбиячиларга “**Сехрли кўти**”, “**Бир хил нарсани топ!**”, “**Қайси ўйинчоқ етишмапти?**”, “**Кўғирчоқни сайрга кийинтирамиз?**”, “**Ким энг диққатли?**” каби ўйинларни тавсия этиш мумкин.

Ўз навбатида, боғчаларда фаолият юритаётган педагогларимиз кундалик юмушларида боланинг келгуси ҳаётига масъул эканликларини ҳеч қачон унутмасликлари лозим. Гуруҳда ижобий-ҳиссий муҳит яратишга интилиш, янгиликлардан “чичи-маслик, ўйин воситасида билим бериш – ўйнатиб, ўйлатиб ўргатиш уларнинг фойдали иш қозғицини сезилари равишда оширади.

Муборак ЭШЧАНОВА,
Мирзо Улугбек туманидаги
382-давлат мактабгача
таълим ташкилоти
педагог-психологи

Дунёни берайлик уларга!



Суратда (chapдан ўнган): “Фаргона кристал қурилиш” МЧЖ муҳандислари Шерзод Маҳмудов, Абдурашул Аҳмадалиев ва қурилиш лойиҳалари техник назоратчиси Дилшод Эрназаровлар иш устида.

Келажакимиз эгалари – болажонларга ғамхўрлик кўрсатсак, бошини сила-сак, эртага улар ҳам шунга муносиб жавоб қайтариши оддий ҳақиқат.

Шу маънода пой-таҳминининг Чилонзор туманидаги Ал-Хоразмий-1 мавзесида яшовчи кичкинтойларнинг бахти қулган экан. Сабаби, улар учун давлат дастурига кўра 720 ўринли 204-мактабгача таълим ташкилоти реконструкция қилинмоқда. Замонавий кўринишдаги ушбу маскан Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжи-

нинг компанияси” ДУК буюртмачилиги асосида қарийб 13 миллиард сўм маблағ эвазига қайта бунёд этиляпти. Бу ерда инвестиция лойиҳа-

сига кўра ёзги сув ҳавзаси, айвончалар, қўшимча бино ҳам қуриляпти. Бундай масъулиятли ишларни тажрибали курувчи Бекзод Ҳакимов

бошчилик қилаётган “Фаргона кристал қурилиш” МЧЖ бунёдкорлари бажаришмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Эълон
“PSB Insurance” МЧЖ СК томонидан Назаров Баҳрам Юлдашевичга “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича ҳайдовчилар сонини чекланган ҳолда фойдаланиш” шартин билан берилган **PSL 0012027**-сонли полис билан қўлланган сабабли юридик кучини йўқотганини
МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ.

ҚЎҚОНЧА ЁЛҒОНМИ БУ?!

Ажабо, шунақасиям бўларкан. Одамнинг ўзидан кўра лафзи, ғурури, ҳалоллигига кўп бора ургу берилади. Айниқса, яхши ниятлар билан қурилиш бошланганлар усталарни нори-зо қилиш яхшиликка олиб бормаслигини ҳам беш кўлдай билади. Лекин Ҳўқанди Латифда шундай устамон, қурилиш фирмаси борлигини эшитмаган эканмиз.

Ўзбекистон туманининг Дўнгсарой қишлоғида яшовчи Акбаржон Маҳкамов чорак асрдан буён янги қурилаётган биноларнинг ички ва ташқи тарафини пардозлаш ишлари билан машғул. Табиийки, у шунча вақт мобайнида бу нозик касбнинг ҳадисини олиб улгурган, шогирдлари ҳам талайгина. Бинобарин, ана шу хунарнинг кетидан нафақат ўзининг, балки унинг ортидан эргашган ёш усталарнинг ҳам қозони қайнаб турибди.

Аммо икки йилдан ошдики, Акбар акани бошқа бир муаммо қийнаб келади. Яъни, у 2018 йилнинг апрель ойидан йил якунига қадар – 9 ой муддатда шогирдлари билан Қўқон шаҳрининг даҳасида қурилган янги уйларда бажарган ишлари учун иш ҳақини тўлиқ ололмади азият чекмоқда.

Гап шундаки, бундан 3 йилча муқаддам – 2018 йил 31 март куни Акбаржон Маҳкамовга **Қўқон шаҳридаги “Ҳамкор Ободон Имкон” қурилиш фирмаси** вакиллари учрашиб, шаҳарнинг Фурак кўчасида (маҳаллий аҳоли тилида “Лесепарк” деб аталувчи ҳудудда) жойлашган 5 қаватли уйларда пардозлаш ишлари борлигини айтиб, ана шу юмушларни бажариб беришини сўрашади.

Шу мақсадда уни фирма таъсисчиси Бахтиёр Алиев ва **фирманинг расмий раҳбари Неъматжон Яхёев**ларга рўбарў қилишади. Шунда иккала раҳбар ишни 3- ва 4-кўп қаватли уйлардан бошлаш лозимлигини тушинтиради. Аммо А.Маҳкамов бундай ишларни меҳнат шартномаси асосида бажаришини маълум қилади. Бунга жавобан эса улар “Сиз бошлаб тураверинг, бир-икки кунда ҳужжатларни расмийлаштираемиз” дейишади. Бинобарин, уста 14 нафар шогирди билан ишга киришади. Яъни, у эракча лафзга ишонади. Қолаверса, дастлаб 7 нафар, орадан 10 кун ўтгач эса яна 7 шогирдининг паспорт нусхаларини фирма масъули кўлига беради.

Шундан сўнг Акбаржон ака ва шогирдлари 3-, 4-уйларда жами **255 962 000** сўмлик иш бажаришади. Бунинг эвазига иш берувчилар

Ёхуд “Ҳамкор Ободон Имкон” қурилиш фирмасининг лафзидан қайтган раҳбарлари қачонгача қурувчиларни сарсон қилади?



105 400 000 сўм иш ҳақи тўлаб, қолганини кейинроқ беришларини айтишади. Шу билан бирга, ўша уйларга ёндош бўлган 6- ва 7-уйларда худди шундай ишни бажаришни топширишади. Пировардида, уста-шогирдлар йил якунига қадар ишлайди. Аниқроғи, 6-, 7-уйларда жами **336 712 000** сўмлик бунёдкорлик ишларини якунига етказишади. Иш берувчилар шундан **200 000 000** сўмини бериб, **136 712 000** сўмлик иш ҳақини аввалгидек насия қилишади. Бундан ташқари, ишчилар билан меҳнат шартномаси тузишни “унутиб” қўйишади.

Буни қарангки, ўшандан кейин бир йилдан кўпроқ вақт ўтса ҳам, А.Маҳкамов иш ҳақларини ололмади. Охир-оқибат 2020 йилнинг март ойида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилади. Шунда Қўқон шаҳар прокуратураси томонидан фирма раҳбари Н.Яхёев чақиртирилиб, сўроқ қилинади. Мазкур жараёнда эса Неъматжон ака усталар ўзларига топширилган ишларни сифатсиз бажарганликларини, яъни хонадон эгаларидан шикоят ҳам тўшайтганини маълум қилиб, қачонки ана шу камчиликларни бартараф этиб беришса, қолган иш ҳақини беришларини айтади. Натижада шаҳар прокуратураси томонидан юборилган жавоб хатларида юқоридаги вазлар баён

қилиниб, жавоб хатидан норози бўлса, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади. Айни мазмундаги жавоб 2020 йилнинг май, июль, август ва октябрь ойларида ҳам юборилади.

– Мени фирма раҳбари ва таъсисчисининг баҳоналари ҳайрон қолдирди. Аввало, 2019 йил якунида, яъни Янги йил байрами муносабати билан хонадонлар ўз эгаларига топширилаётганда улардан уйни қабул қилиб олганликлари ҳамда қурувчиларга ҳеч қандай эътирозлари йўқлиги ҳақида тилхат ёздириб олгач, хонадон калитини беришган. Қолаверса, мен 2019 йил бошидан буён иш ҳақимни сўраб келганимда бажарган ишимизга бирор-бир эътироз билдиришмаган. Модомики ишимиз чала бўлса, нима учун ўша пайтдаёқ ёки йил мобайнида бизга ҳеч ким бирор марта эътироз билдирмади? Шу ҳам баҳона бўлдимиз энди, бир йилдан сўнг тўқилган ёлғонларини қаранг, – дейди Акбаржон Маҳкамов жигибийрон бўлиб.

Кимга ишониш керак? Қурилиш соҳасида бирор бино-иншоот фойдаланишга топширилган экан, аввало, мутахассислар бажарилган ишни хатловдан ўтказиш, тўғрими? Сўнгра томонлар ўртасида топшириш-қабул қилиш бўйича далолатнома тузилади. Мазкур далолатномага ҳокимлик вакилларида тортиб, барча тегиш-

ли ташкилотлар масъуллари имзо чекади. Нега ўша пайтда Акбаржон аканинг бажарган ишлари бўйича ҳеч қандай шикоят тушмаган.

Шу ўринда мен бошқа бир ҳолисона фикрни айтмоқчиман. Масалан, Акбаржон Маҳкамовни қачонки таҳририятга мурожаат қилиб, унинг аризаси журналистик суриштирув ўтказиш учун менга топширилгандан кейингина танидим. Аммо 2019 йил февраль ойининг охирларида Фарғона вилоятидаги янгиликлар ва улкан ижобий ўзгаришлар ҳақида мақола тайёрлаш жараёнида Қўқон шаҳар ҳокимлигининг ўша пайтдаги уй-жой бўлими бошлиғи Муяссар опа Парпиева менга шаҳарнинг турли нуқталаридаги янги уйларни, жумладан, бугунги танқидий мақоламда тилга олинган уйларни ҳам кўрсатгани эсимда. Шунда хонадон соҳиблари билан юзма-юз суҳбатлашганман. Лекин улар қурувчилар шаънига эътирозлари борлигини айтишмаган. Шу боис янги уй соҳибларининг самимий дилшўрларини “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетасининг 2019 йил 15 мартдаги 11-сонида чоп этилган “Водий марвариди кун сайин фаровон бўлмоқда” сарлавҳали мақоламда ёритганман. Шундай экан, “Ҳамкор Ободон Имкон” қурилиш фирмаси вакиллари келтирган ваз баҳона эмаслигига ким кафолат бера олади?

Халқимиз орасида ҳар жойнинг ўз эгаси борлиги кўп мартаба тилга олинади. Шу маънода, мазкур масалага оидлик киритиш ниятида шу йилнинг 22 ва 23 феврал кунлари шаҳар ҳокимлиги мутасаддилардан бирига тегишли – 9105-58 телефон рақамига кўп марта кўнғирок қилдик. Аммо боғланишнинг имкони бўлмади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзлари дуч келган муаммога ечим топиш мақсадида Акбаржон Маҳкамов 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига ҳам мурожаат қилган. Лекин прокуратурадан аввал ҳам ўзига келган “эгизак” – судга мурожаат қилиши тўғрисида жавоб олган. Аслида бу Қўқон шаҳрининг ўзида ҳал этиладиган масала. Масъуллар фақатгина “Ҳамкор Ободон Имкон” қурилиш фирмасининг раҳбари келтирган тўқима важга ишониб қолмасдан, бу борада жиддий ўрганиш олиб борсалар, сиз ҳам, каюб ҳам куймасди.

Ҳали ҳам умдимиз сўнгани йўқ: балки ушбу мақоламиз Қўқон шаҳар ҳокими, О‘зLiDePнинг шижоатли фаоли Маъруфжон Усмонов томонидан жиддий ўрганилар, балки...

Хурийд СУЛТОНОВ,
журналист

Дилором Каримова-ни халқимиз "Парвона" спектакли (Назокатнинг келиноҳиси), "Қуёши ботмайдиган юрт" (ҳам муаллиф, ҳам режиссёр) ва "Опа-сингиллар" сериали (каинона), "Остонаси тиллодан", "Олтин бешик" кўрсатувлари (режиссёр), "Илҳақ" фильми (Зулфия ая) билан серкирра ижодкор сифатида яхши танийди. Кейинги йилларда эса актриса "Пўртана", "Севгим менинг, андуҳим менинг" асарлари билан ҳассос ёзувчи ўлароқ китобхонлар қалбига кириб бормоқда.

Нега бу ҳолга келиб қолдик? Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат шуки, биз ўз пайтида улғу режиссёрларимизнинг қадрига етмадик. Маънавий дунёимизнинг шаклланиши, бойишида беқиёс хизмат қилган Маннон Уйғур, Етим Бобоҷонов, Тўла Хўжаев, Баҳодир Йўлдошев, қолаверса, Эргаш Масофоевларни бирин-кетин бой бердик. Уларни шахсий манфаатларимиз, ғаразларимиз ва жуда бўлмаганда лоқайдлигимиз, қўрқоқлигимиз қурбонига айлантirikдик. Актёрлар ҳар куни туғилади, лекин Тошхўжа Хўжаевдек режиссёрлар 100 йиллар оралиғида бир туғилади. Биз ана шу ҳақиқатни ўз вақтида англаб етолмадик. Оқибатда бугунги театр ва кино санъатига устоз кўрмаган саводсиз, дидсиз, санъатдан ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган чала "мулла"лар ҳам кириб келмоқда.

"Инсон нега йиғлайди?" – Тўла ака (Тошхўжа Хўжаев – таҳр.) Сарвар Азимовнинг "Замон драмаси" устида иш олиб бораётган актёрларга шундай савол беради. Ҳар ким ўз билганича жавоб қайтаради: алам қилганидан, жони огриганидан, хўрланганидан, алданганидан, айрилиқдан... Тўла ака эса ҳеч бир жавобга қўшилмай, жилмайганича: "Инсон ўзига ачинганидан йиғлайди!" дейди.

Бир қарашда жўнгина туюлган бу фикрда инсон руҳиятига шўнғиш, уни тафтиш қилишга уриниш бор. Ҳақиқатан,

Инсон нега йиғлайди?

Дилором КАРИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти



инсон хўрланганини, ёлғизлигини, севган кишидан жудо бўлганини ё алданганини англаб етган ҳамано қалбини "Нега энди мен?!" деган савол ўртай бошлайди. Ва фалакнинг унга кўрсатган адолатсизлигидан ўқиб, ўзига ачиниб кўзёш тўқади...

Бекор айтилмаган, ҳаёт бу – саҳна, ундаги одамлар – актёрлар, театр эса асл ҳаёт деб. Театрда роллар яхши-ёмонми, астойдил, рост ўйналади, чинаямига кўз ёшлар тўкилади. Ҳаётда эса рост ўрнида кўпинча ёлғон келади. Ўзимиз сезмаган ҳолда ўзимиз ва ўзгаларни алдаб яшаймиз. Қанча-

дан-қанча ёлғон, фитна ва макр иплари билан тўкилади. Саҳнада ёлғоннинг умри қисқа, у ўзини дарров фош этиб қўяди. Сохта ижронинг мухлиси бўлмайди. Ҳаётда-чи? Аксинча. Кажлик, алдо ҳаётнинг асосий мезони, асосий яшаш усули. Усиз тирлик йўқ. Инсон қусурлари орасида энг кўп учровчи, энг узоқ умр кўргувчи ва энг фалокатли иллат – ёлғондир.

Театр саҳнасида ёмонлик чекиниб, яхшилик тантана қилади. Ҳаётда-чи? Ҳаётда яхшилик қолиб келади, деган ваъда насияга қолаверади. Шунинг учун ҳам инсон Театрга ошиқади, ўзи излаган, ўзи истаган ҳақиқатларни шу даргоҳдан қидиради.

Ёмонлик кўпинча ўзи тўкиган макр тўрлари орасидан чиройли кўринишини ҳаёлимга келтирмасдим. Эзгуликка ишонч қалб ва мия тўқималаримга шу қадар сингиб кетган эдики, мен шу қонуният измида яшай бошладим. "Шубҳа" деб аталмиш шайтоний туйғу мендан узоқда эди. Бироқ ёруғ дунёдаги сафарим қариб боргани сари ҳаётга тийрақроқ назар қарасам, "Эй тавба, ҳаёт фақат кажликдан, алдамдан иборат экан-ку!" деб ёқа ушлайман. Инсон зоти борки, у яшаш илинжида юрибдими, хоҳ гадо, хоҳ подшо бўлсин, фақат алдайди. Пул, манфаат бор эканки, Ёмонлик ўз йўлидан қайтмайди. Оқибатда Ёвузлик туғилаверади. Чораси бормикан, деб сўрайман-у, ўлай агар, давоси йўққа ўхшайди. Охири фалокатми, деб ўйлайман. Коинотда ялтираб турган жимитдек Ернинг тақдири ебтўймас, очкўз, риёкор одамлар кўлида қолиши мумкинлигидан даҳшатга тушаман. Наинки одамзот, ер юзидаги барча тирик мавжудот, асрлар буйи Орзу, Тилақдан яралган бебаҳо санъат, фикр-маслақ асарлари тақдири умумбашарий ёнғин остида кунпаякун бўлмасмикин, деб кўрқаман. Фарзандлар, инсоният тақдири Оқ ниятлилар ихтиёрига ўтсайди, деб Яратгандан ўтинаман. Оқ ниятнинг қалби, қилмиши оқ бўлади. Оқ қалблар санъат, китоб, театр тарбиясини олган инсонлардир. Яшасин Китоб, Кино, Муסיқа ва Театр!

Инсоният тарихида тартиб, қонунлар яратилибдики, қафасларга сиғмовчи

муҳаббат доим тазйиққа, ҳақоратга, жазога мубтало этиб келинган. Муҳаббат инсон мушоҳадаси ва туйғуларининг олий маҳсули бўлиб, санъатнинг барча турларида тараннум этиб келинган бўлса-да, оломон томонидан қораланиб гуноҳ саналган, тошбўрон қилинган. Ахир, севги буйруқ ва истак билан дунёга келмайди, у илоҳийдан бизга берилган синов – ҳам бахт, ҳам офатдир. Ва у ҳаммага ҳам насиб этмайди!

Фильм яратишни ният қилганларга, шуни айтгим келади: сен аввал ўзингни англа, нигоҳингни қалбинга қарат. Одамларга нима демоқчисан? Қай бир дард ҳақида сўйламоқчисан? Балки гўзал бир муҳаббат ҳақида гапирмоқчидирсан. Балки бахтсиз болалик, эҳтимол, гиёҳвандлик балоси қалбингни қаттиқ жумбушга келтирар. Ахир, дунёда қанча муаммо бор. Наҳотки, булар қалбинга ҳеч қанақа акс садо ўйотмас! Қайсидир шёрда шунга ўхшаш мисра бор эди: "Мен шу замонни кутаман, инсон инсон учун тўка олса ёш". Бундай қалбларнинг кўпайишида ва уларни гардсиз асраб қолишда фақатгина санъатнинг хизмати катта. Шу ўринда бир нақл ёдимга тушди: Эмишки, дўзахда қотил билан ёзувчи бирга тушганмиш. Жазо муддати тугагач, қотил қиқиб кетибди-ю, ёзувчи қолибди. Шунда ёзувчи "Ахир, мен нима қилдим? Одам ўлдирмаган бўлсам", деса, унга "Сен қалбларни ўлдиргансан", деб жавоб бўлган экан.

Боланинг кўзларига қаранг, қандай масъум! Одам бу ҳаётга бахтли бўламан, севаман-севиламан, деган чиройли ниятлар билан кириб келади. Лекин бора-бора бу нигоҳлар сўнади, хунуқлашади... муҳаббат тўла нигоҳлар ўз ўрнини аламга бўшатиб беради... Санъат бизга эзгуликка бўлган ишончимизни сақлаб қолишимиз, қалбимизни, ҳеч қурса, ҳаёлларимизни асраб қолишимиз учун ҳам керак.



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

ASR
LITMIOVIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМОНОВ
Шухрат БАҒҒОЕВ
Мавлада ХҲҲАЕВА

Сирожидин САЙИЙИД
Адахм ШОУМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Фаррух ЖАБОРОВ
Бош муҳаррир
ўринбосари

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.luz
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
ҳаблдан – 71 215-63-80
(тўла, факс).
Обила ва рекама
бўлими – 71 255-68-30.

"XXI asr" ijtimoiy-siyosiy gazetasini
Ўзбекистон Matbuot va axborot
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами
билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳиссада чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-3 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 251 Тираж: 3514
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Топширилди – 23:50

Таҳририятга келган қўғамлар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© "XXI asr" давр олинган маълумотларга мубола
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани
назардан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнёр
Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2363-497X



НАШР КЎРСАТИЧИ: 486
1234567

Нашрловчи муҳаррирлар:
Озод РАҲАМОНОВ,
Бекноз ИСОИЛИЕВ.